

2014-4

Суд томонидан Жиноят-процессуал кодекси талабларига амал қилинмаганлиги сабабли иш янгидан апелляция инстанциясига юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 2 апрелдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судининг 2013 йил 22 февралдаги ажримига кўра, Н.га нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси 2-қисми "б" банди, 190-моддаси 2-қисми "б" банди, 202-моддаси 2-қисми "в" банди, 228-моддаси 2-қисми "б" банди, 228-моддаси 3-қисми билан юритилган жиноят иши 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актининг 6-бандига асосан тугатилган.

Г.га тегишли "Камаз-53212" автомашинаси жиноят қуроли тариқасида давлат фойдасига мусодара қилинган.

Иш бўйича шу кунги ажрим билан дастлабки тергов органининг жиноят ишини Т.га оид қисмини тугатиш тўғрисидаги қарори бекор қилиниб, ишнинг шу қисми қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш учун юборилган.

Суднинг ажримига кўра, Н. "Сабо" хусусий фирмаси ҳисобчиси вазифасида ишлаб келиб, фирма раҳбари О. ва бошқалар билан гуруҳ бўлиб, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасидан рухсатнома олмасдан ва Ўрмон хўжалиги билан тегишли тартибда шартнома тузмасдан, 2012 йил давомида 33.553.478 сўмлик 429,6 кг "сассиқ коврак" ширасини йиғиштириб олиб, ўсимликлар олампдан фойдаланиш қоидаларини бузиб, табиатга 15.541.845 сўм зарар етказиб, 430 кг "сассиқ коврак" ширасини "Сабо" хусусий фирмасига

"Барака" МЧЖдан сотиб олингани ҳақида сохта ҳужжатлар тайёрлаб, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб, 2012 йил 2 октябрда "сассиқ коврак" ширасини Т.нинг бошқарувидаги "Камаз-53212" автомашинасида Тошкент шаҳрига олиб кетаётган вақтда ушланган.

2012 йил 20 сентябрдаги ижара шартномасига асосан Г.га тегишли "Камаз-53212" автомашинаси бир йил муддатга "Булоктранс" МЧЖга ижарага берилиб, лицензия билан фаолият юритиб, меҳнат шартномаси асосида Т.га бириктирилган.

Т. дастлабки терговда Н. билан 250.000 сўм йўл кира ҳақида келишиб, тегишли ҳужжатлар асосида "сассиқ коврак" ширасини Тошкент шаҳрига етказиб беришга рози бўлгани ҳақида кўрсатма берган.

Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги "Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 10-бандида, транспорт воситаларини жиноят қуроли деб эътироф этиш учун транспорт воситасидан фақат улов сифатида эмас, балки қасддан жиноят содир этишда айнан қурол сифатида фойдаланилганлиги сўзсиз аниқланган бўлиши зарурлиги тушунтирилган.

Суд "Камаз-53212" автомашинаси ҳайдовчиси Т.ни содир этилган жиноятларга алоқаси дастлабки тергов даврида текширилиб, ишнинг унга оид қисми Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-қисмига асосан тугатилганини эътибордан четда қолдириб, автомашинани мусодара қилиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шунингдек, Жиноят процессуал кодексининг 417-моддасида жиноий жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир

этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда суднинг ҳаракати белгилаб қўйилган.

Суд ушбу қонун талабига амал қилмасдан, Т.га нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қабул қилинган қарорни бекор қилиб, ишнинг шу қисмини тергов ҳаракатлари ўтказиш учун юбориб, хатога йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суд хатоларини бартараф этмасдан, фуқаровий даъвогар Г.нинг автомашина асоссиз мусодара қилингани ҳақидаги важларини атрофлича ва ҳар томонлама текширмасдан, биринчи инстанция суди қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 6 мартдаги ажрими билан Н.га нисбатан чиқарилган апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

№ 5-38-14 назорат иши